


**Бухоро тумани ҳокимлиги
халқ таълими бўлими
1-умумий урта таълим мактаби**

Бошлангич синф уқитувчиси
Саидова Манзуранинг она тили
фанидан ёзган
ДАРС ИШЛАНМАСИ



Галаосиё - 2008 йил



Фан: Она тили

Сана: 14 декабр

Мавзу: Утилган мавзулар юзасидан интерфаол дарс.

Дарсинг максади:

а) Укувчиларнинг йил давомида эгаллаган билимларини эсга тушириш; мустахкамлаш, нуткини устириш, тинглаш қобилиятини ривожлантириш;

б) Топкирлик, зийраклик, чакконлик туйгуларини тарбиялаши, ҳамкорлик, жамоатчилик, тиришқоклик хиссини ривожлантириш;

д) Узаро бир-бирини ҳурмат қилишга ургатиб тарбиялаш.

Дарсинг методи: Мусобақа, беллашув.

Дарсинг жихози: Таркатма материаллар.

ДАРСНИНГ БОРИШИ:

1-ҳаракат. Машгулот қондаси билан таништириш.

- Вактдан унумли фойдаланиш;
- Узгаларнинг фикрини қадрлаш;
- Бир-бирини ҳурмат қилиш;
- Янгилик қиритишга ҳаракат қилиш;
- Фаол иштирок этиш.

2-ҳаракат. Укувчиларни гуруҳларга бўлиш ҳамда ноанъанавий ҳолда утириш.

1-гуруҳ: Чакконлар.

2-гуруҳ: Зийраклар.

3-гуруҳ: Топкирлар.

4-гуруҳ: Билимдонлар.

3-ҳаракат. Гуруҳлар иши.

1-топширик. Берилган сузлардан иккита гап тузиб ёзинг. Гапларнинг бош ва иккинчи даражали булақларини аниқлаб, уларни белгиланг.

1-гуруҳ:

Чакконлар гуруҳига:

Уртасида, гулхан, яланглик, ёнмоқда, каттакон, кизи, гулханнинг, угай, онанинг, олдида, келди.

2-гуруҳ:

Зийраклар гуруҳига:

Усаржон, ном, деб, кучукчасига, қуйди, тез, булди, катта, кунда.

3-гуруҳ:

Топкирлар гуруҳига:

Катта, баҳорда, қозонда, пиширилади, сумалак, тоза, энг, донидан, тайёрланади, сумалак, бугдой.

4-гурух:

«Билимдонлар» гурухига:

Хар, хил, богимизда, очилади, гуллар, бахорда, отам, турли, кучатларидан, йил, хам, гул, бу, экдилар.

2-топширик: Гапни укинг, улардаги бош булакларни аниклаб, тагига чизинг. Эга ва кесимга сурок беринг. Бу булакларга богланиб келаётган сузларни саволлар билан ёзинг.

1. Чакконлар гурухига:

Ранг-баранг гуллар кузни кувонтиради.

2. Зийраклар гурухига:

Ола куён узини эшикка урди.

3. Топкирлар гурухига:

Гулзордан ёкимли хид атрофга таралади.

4-гурух: Билимдонлар:

Осмонни кора булут коплади.

3-топширик: Берилган сузлар билан узакдош сузлар тузинг. Узакдош сузларнинг узак ва кушимчасини одатдагидек белгиланг. Узакдош сузлардан катнаштириб, гап тузинг. Тузган гапларингизни ёзинг.

1-гурух: Чакконлар.

Бош, иш

2-гурух: Зийраклар.

Пахта, куч

3-гурух: Топкирлар.

Катик, гул

4-гурух: Билимдонлар.

Туз, сув

4-топширик. Бошлаб берилган хикояни давом эттиринг. Хикоянгизда сифатларни купрок куллашга ҳаракат килинг, булишсиз феъллардан ҳам фойдаланинг.

Хикояни қандай давом эттиришни яхшилаб уйлаб олинг. Хикояда сарлавха тайёрланг. Танлаган сарлавхангизни куйиб, хикоя ёзинг.

1- гурух: Чакконлар.

Ёз кунларининг бирида Зокир билан Фахриддин балик овига боришди. Уларга Зокирнинг Олапар исмли ити ҳам эргашди. Фахриддин арик буйига утириб, сувга кармок ташлади. Шу пайт...

2-гурух: Зийраклар.

Сахий куз. Богларда мевалар гарк пишган. Мен уртокларим билан богбонларга ёрдам бериш учун богга бордим. У ерда...

3-гурух: Топкирлар.

Кахратон киш. Илхом Бахром билан ялангликка чана учгани кетаётган эди. Йуллар музлаган. Машиналар асфальт йулда зурга юрарди. Бирдан..

4-гурух: Билимдонлар.

Зумрад баҳор бошланди. Табиат уйгонди. ҳамма ёкка кум-кук гилам тушалган. Укитувчимиз билан лола сайлига чикдик. Бирок у ерда...

5-ҳаракат. Гурухлар туплаган баллар умумлаштирилади. Голиблар тақдирланади.

Саволлар билан якунлаш.

- Дарс сизга ёқдими? Нима учун ёқди?
- Бугунги дарсимизда қайси мавзуларни такрорладик?
- Қандай ишларни бажардик?
- Хикоя тузишда нимага асосланингиз?
- Гурухингиз туплаган баллардан хурсандмисиз?
- Қайси гурухни яхши ишлади деб уйлайсиз? Нима учун?

Уқувчилар бугунги интерфаол дарсининг қандай утганлиги ҳақида уз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.